

## ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ЖОРИЙ АКТИВЛАРНИНГ СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ MASALALARI

*Норматова Гулмира Хайруллаевна*  
*ТДИУ, мустақил изланувчиси*

Хўжалик юритувчи субъектларда жорий активларнинг бошқарув ҳисоби корхона раҳбариятини корхонадаги ишларнинг ҳолати тўғрисида ҳолис ва ишончли маълумотлар билан таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

Жорий активларнинг миқдори, уларнинг таркибий тузилиши ва ўзгариб бориш динамикасига қараб хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлиги, тўловга қобилиятлик даражаси, ликвидлилиги каби муҳим кўрсаткичлар орқали фаолияти самарадорлиги баҳоланади, истиқболдаги динамикаси таҳлил қилинади. Шу сабабли жорий активларнинг бухгалтерия ҳисоби, унинг таҳлили ва аудити масалалари доирасидаги илмий тадқиқотлар ҳамisha ҳам долзарб мавзулардан бўлиб келган ва айти пайтда унинг долзарблиги янада ўсиб бормоқда.

Стратегик бошқарув ҳисоби хўжалик юритувчи субъектлар учун уларнинг молиявий аҳволи ички ва ташқи омиллар таъсирида истиқболда қандай ўзгаришини, бозордаги рақобат даражасини баҳолаш, стратегик ўзгаришларни ҳисобга олиш имконини яратади.

Стратегик бошқарув ҳисоби – бу хўжалик юритувчи субъектнинг юқори раҳбарларини хўжалик юритувчи субъектнинг рақобатбардошлигини оширишга таъсир қиладиган ташқи омиллар ҳамда ички имкониятларни баҳолаш ва улардан самарали тарзда фойдаланиш бўйича узоқ муддатларга мўлжалланган қарорлар қабул қилишларига асос бўладиган релевант маълумотлар билан таъминлаш тизимидир.

Шу мавзу доирасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаси кўрсатадики, ҳозиргача жорий активларнинг юқорида қайд қилинган бухгалтерия ҳисоби, таҳлили ва аудити масалаларигина эмас, унинг назарий ва ташкилий масалаларида ҳам ўзининг ижобий ечимини кутиб турган қатор муаммолар мавжуд. Уларнинг энг муҳимларидан бири - жорий активлар тушунчасининг иқтисодий талқини ва унинг таркибий қисмлари моҳиятига ёндошув масалалари.

Шунинг учун, бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъектларнинг жорий активлари бухгалтерия ҳисобини унинг моҳиятига аниқлик киритиб олишдан бошлаш муҳим.

Жаҳон амалиётида, шунингдек иқтисодчи олимлар қарашларида ҳам жорий активларнинг умумэтироф этилган қуйидаги талқини кўп учрайди: “Жорий активлар (англ. current assets) – битта ишлаб чиқариш циклида ёки бир йил давомида пул маблағларига айланадиган активлардир. Узоқ муддатли активлардан фарқли ўлароқ, жорий активлар узоқ муддат

давонида фойдаланиш учун мўлжалланмаган. Жорий активлар балансинг иккинчи бўлимида акс эттирилади”<sup>1</sup>

Шу масала борасида, иқтисодчи олим Сауд Ж.Машкоур Аламру куйидагиларни таъкидлаган: «Жорий активлар бизнеснинг нормал жараёнида бир йил ичида нақд пулга айланиши кутилаётган барча активларнинг қийматини ифодалайди. Жорий активларга товар-моддий захиралар, дебиторлик қарзлари, сотиладиган қимматли қоғозлар, пул маблағлари, олдиндан тўланган харажатлар ва осонлик билан пулга айланиши мумкин бўлган бошқа ликвид активлар киреди»<sup>2</sup>.

Шу мавзу доирасида илмий тадқиқотлар олиб борган иқтисодчи олим У.А.Нурманов “Жорий активлар – хўжалик субъектининг доимий ҳаракатдаги мобил активлари бўлиб, бир ишлаб чиқариш (меъёрий операцион) цикли давомида ўз қиймати ва шаклини яратилаётган маҳсулотларга тўлиқ ўтказувчи бойликлар ҳисобланиб, улар таркибига товар-моддий захиралари, келгуси давр харажатлари, кечиктирилган харажатлар, пул маблағлари, қисқа муддатли инвестициялар, дебиторлар ва бошқа жорий активлар киритилади”<sup>3</sup> дея таъриф берган.

Шунингдек, яна бир мамлакатимиз олимларидан Д.Мавлянова эса ўз тадқиқотида “жорий активлар деганда ишлаб чиқариш ва муомала фондларини шакллантириш учун пул кўринишида аванслаштириладиган, доимо бир функционал шаклдан бошқа шакл кўринишига ўтадиган қиймат тушунилади” (Д.А., 2020)<sup>4</sup> деб таърифлаган.

Хўжалик юритувчи субъектларда жорий активларнинг стратегик бошқарув ҳисобини самарали тарзда ташкил қилиш ва юритиш учун, фикримизча, унинг таркибий қисми бўлган захиралар таркибини бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари қоидаларга мувофиқлаштириш керак бўлади. Шунингдек, жорий активларнинг бошқа қисмларини ҳам бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари талаблари даражасида ташкил қилиш, уларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш учун муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

## Адабиётлар:

1. Mamatqulov A.X. (2023). Paxtani qayta ishlash korxonalarida xarajatlarini boshqarish va hisobga olish usullari. *Moliya ilmiy jurnali*, 3-сон.

2. Mamatqulov A.X.(2023). Paxtani qayta ishlash korxonalarida ishlab chiqarish xarajatlari bo‘yicha tannarxni hisoblash usullarini takomillashtirish [https://gospodarkainnowacje.pl/index.php/issue\\_view\\_32articleview1910](https://gospodarkainnowacje.pl/index.php/issue_view_32articleview1910)

<sup>1</sup> <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

<sup>2</sup> Saoud Jayed Mashkour. Accounting in english (pp.51) Publisher: Printed by : Dar Al-Dhiya for printing and Designs - 2 Ed, – Najaf – February 2019

[https://www.researchgate.net/publication/331287344\\_CHAPTER\\_4\\_CURRENT\\_ASSETS](https://www.researchgate.net/publication/331287344_CHAPTER_4_CURRENT_ASSETS)

<sup>3</sup> Нурманов У.А. Жорий активлар таҳлили методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент.: ТМИ, 2022

<sup>4</sup> Мавлянова Д.М. Жорий активлар ҳисоби, таҳлили ва аудитининг услубий жиҳатларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент.: ТМИ, 2020

## BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

3. Raximov M. Y. Iqtisodiyot subyektlari moliyaviy holatining tahlili. O‘quv qo‘llanma / O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi Toshkent Moliya instituti. -T.: «IQTISOD-MOLIYA», 2013.392 b.
4. Raximov M.Y. Moliyaviy tahlil-2 (o‘quv qo‘llanma) T.:TMI. 2003 y. 166 b.
5. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Xo‘jalik yurituvchi subyektlarda CVP-tahlilni tashkil etishning muammoli jihatlari. *YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT*, 4 (2024), 754–759
6. Чориев И.Х. (2023). Молиявий ҳисоботлардаги хатоликларни аниқлашда таҳлилий амаллардан фойдаланишнинг услубий жиҳатлари. *Scientific Journal of “International Finance & Accounting*, Issue 1, February 2023.
7. Қличев, Б. (2022). КРІ ТИЗИМИ АСОСИДА МОДДИЙ РАЎБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1343>
8. Klichev Bakhtiyar Pardayevich. (2024). Problematic Aspects of Organizing Cvp-Analysis in the Enterprises of Uzbekistan // *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 5(5), 241–248. Retrieved from <https://wos.academiascience.org/index.php/wos/article/view/4906>
9. Чориев И.Х. (2023). Молиявий инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш. *Scientific Journal of “International Finance & Accounting*, Issue 2, April 2023.
10. U.K.Yakubov, G.S.Mahmudova. (2022). Biznes tahlil: Operatsion tahlil-1,2. (Darslik). –T.: “Nihol print”, 205 b.
11. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Korxonalarda operatsion faoliyat samaradorligini tahlil qilish masalalari. *World Scientific Research Journal*, 26(3), 86–94. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3251>
12. Косимович, Я. У. (2024). Ташқи савдо фаолиятида мақбул ечимни топиш масалаларини таҳлили. *World scientific research journal*, 26(2), 199-205.
13. Tulaev, M. (2024). Moliyaviy hisobot konsepsiyalari. *Nordic\_Press*, 2(0002).
14. Абдуллаев, А. Б. (2019). СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА И АНАЛИЗА НАЛОГОВ. In *БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ: ДОСТИЖЕНИЯ И НАУЧНЫЕ ПЕРСПЕКТИВЫ XXI ВЕКА* (pp. 10-17).
15. Kasimovich, Y. U. (2021). Developing A Model On The Basis Of A System Of Indicators Determining The Efficiency Of Foreign Trade Activities. *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry*, 12(7).
16. ҚЛИЧЕВ, . Б. П. (2022). ИШБИЛАРМОНЛИК ФАОЛЛИГИ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/373>

## BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

17. Кличев, Б. (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. *Направления развития благоприятной бизнес-среды в условиях цифровизации экономики*, 1(01), 170–173. <https://doi.org/10.47689/TSUE2022-pp170-173>
18. Tulaev, M. (2024). *T BUXGALTERIYA HISOBINING SCHYOTLARI VA ULARNING MOHIYATI*. Nordic Press, 2(0002).
19. Qlichev, B. (2024). *Korxonalar faoliyatini rivojlantirishda operatsion faoliyat tahlilining zarurligi. Mintaqani ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari, Konferensiya to'plami. Termiz, O'zbekiston. 15-iyun 2024-yil.* <https://doi.org/10.5281/zenodo.11909171>
20. Қличев Бахтиёр Пардаевич, (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. *Issues of improving the analysis of the volume of production at enterprises. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 13(7), 42–49. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2782>
21. Choriev I.X. Auditorlik faoliyatida tahliliy amallarni takomillashtirish. Iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. – Toshkent:, «Iqtisod-moliya»nashriyoti, 2021, - 21-26 b.
22. Klichev, B.P., Choriev, I. X. (2021). The Issues Of Business Activity Organization In Uzbekistan. *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI)*.Volume 12, Issue 7, July 2021: 4587-4593.- URL:<https://www.tojq.net/index.php/journal/article/view/4494>
23. Mamatqulov A.X. (2024). Qayta ishlash korxonalarida ishlab chiqarish hisobi va tahlilini takomillashtirish. *Jahon ilmiy tadqiqot jurnali*, 26(3), 132–140. <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3256>

